

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ
НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ДЖОЛЫМБЕТОВА МИУАГУЛ МАДИЯРОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ТАФАККУР
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on the
psychological sciences**

Джолымбетова Миуагул Мадияровна

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантиришнинг
психологик хусусиятлари.....3

Джолымбетова Миуагул Мадияровна

Психологические особенности формирования мыслительных операций у младших
школьников19

Djolimbetova Miuagul Madiyarovna

Psychological features of the formation of mental operations in primary school students.....36

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДЖОЛЫМБЕТОВА МИУАГУЛ МАДИЯРОВНА

**КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ТАФАККУР
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Psi71 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нишанова Замира Таскараевна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Эргашев Пўлат Собирович
психология фанлари доктори, доцент

Муллабаева Нозима Махмуджановна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» сентябрь куни соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (402 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2021 йил «21» сентябрь куни тарқатилди. (2021 йил «21» сентябрь даги 32 рақамли реестр баённомаси).



Ғ.Б.Шоумаров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

Х.А.Тиллашайхова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, котиби, психол.ф.н., доцент

В.М.Каримова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар раиси психол.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш жараёнларини, мустақил ижодий фикрлашини, тафаккур операцияларини аниқлашнинг креатив модулли технологиялари амалиётга тадбиқ этилган. Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси, ЮНИСЕФнинг “Тафаккурни болалиқдан ривожлантириш” дастури, бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операцияларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш, оиладаги муаммоларга креатив ёндаша олиш қобилияти, мактабдаги ташкилий масалалар ва шахслараро муносабатлардаги ўрнини белгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бошланғич синфларда тафаккур операцияларини меъёрда шакллантириш, ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш, ўқишга қизиқиш, ижтимоий муаммоларга нисбатан креатив ёндошишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Инсон тафаккурини нутқ воситасида ривожлантириш, тафаккур ва нутқнинг чамбарчас боғлиқлигининг психологик жиҳатларини таъминлаш ҳамда турли ёш даврларида дивергент тафаккурни ривожлантириш каби тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикада ёшларга таълим ва тарбия бериш тизими такомиллаштирилди, ўқувчиларга сифатли таълим бериш, улар эгаллаши зарур бўлган компетенцияларнинг, билимларни баҳолашнинг меъёрий асослари яратилди, моддий техника базаси ривожлантирилди. “Биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган муҳим масалалардан бири бу – фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш вазифаси”¹ – устувор этиб белгиланган. Бу борада бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операцияларини шакллантиришда жинс фарқларини ҳамда оилавий муҳитнинг таъсирини аниқлаш имкониятлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисида” қонуни шунингдек, умумий, ўрта ва ўрта махсус давлат таълим муассасаларида ўқувчиларни психологик-педагогик кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу фаолият тизимига тегишли

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017. Б. 103.

бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Э.Ғозиев, В.Каримова, З.Нишанова, Р.Суннатова, Э.Усманова, Х.Шарафуддиноваларнинг илмий изланишларида тафаккур турлари ва сифатлари, мустақил фикрлаш, мустақил ижодий фикрлаш динамикаси, турли ёш даврларида тафаккурнинг ривожланиши ҳамда тафаккурнинг индивидуал психологик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Л.Виготский, С.Рубинштейн, А.Леонтьев, П.Гальперин, О.Тихомиров, В.Петухов, К.Кожагелдиева, И.Харченко, Н.Молодцова, Э.Лариналар бола тафаккури ривожланишида яқин тараққиёт зонасининг аҳамиятини, тафаккур операциялари ҳамда унинг мантиқий шакллари, тафаккурни фаолият ва жараён сифатида, ақлий ҳаракатларнинг босқичма-босқич ривожланишини, ақлий фаолиятнинг ривожланишини, тафаккурни ўқиш жараёнида ривожланишини, танқидий фикрлашни ривожлантириш, индивидуал таълим жараёнида тафаккурни ривожлантириш, расм дарсларида визуал фикрлашни ривожлантириш, турли ўқув шароитларида тафаккурни ривожлантиришнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этган.

Узоқ хорижлик мутахассислардан W.James, J.Piajet, K.Buhler, E.Bono, J.Guilford тафаккур операцияларини, интеллект функциялари ва интеллект даврларини, тафаккур ва нутқнинг боғлиқлигини, болалар тафаккурини ривожлантириш масалаларини, интеллект моделини ҳамда ижодий тафаккурни тадқиқ этганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Нукус давлат педагогика институти ҳамда Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121-рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантиришнинг психологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик мактаб ёшида тафаккурнинг ривожланишига оид педагогик ва психологик тадқиқотларни таҳлил этиш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларининг намоён бўлишидаги ёш ва жинс фарқларини аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда оилавий муносабатлар ва тафаккур операциялари орасидаги боғланишни аниқлаш;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантиришнинг коррекцион механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш жараёни бўлиб, Тошкент шаҳридаги 100 - сонли, Хоразм вилоятида 17 - сонли ҳамда Нукус шаҳридаги 11-сонли мактабларнинг иккинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари (жами 193 нафар) да ўрганилди.

Тадқиқотнинг предмети кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда “Тўртинчиси ортиқча”, Дж.Равен, “Объектларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлаш, сабабини тушунтириш, тушунчаларни таърифлаш”, “Оила расми”, “Нутқий фантазия” методикалари ҳамда Ч.Пирсоннинг чизиқли корреляция коэффициенти, Стьюдент t-мезонини ҳисоблаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда анализ, синтез, умумлаштириш, таққослаш, таснифлаш каби тафаккур операцияларининг намоён бўлишида “Тўртинчиси ортиқча” ҳамда “Объектларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлаш, сабабини тушунтириш, тушунчаларни таърифлаш” усуллари асосида ёш улғайган сайин ўсиш фарқлари борлиги аниқланган;

бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операцияларининг шаклланишига таъсир этувчи оилалар оилавий муносабатлар ҳамда салбий таъсир этувчи (низолашувчанлик, меҳрли муносабатнинг етишмаслиги, хавотирланиш, адоват, номукамаллик комплекси) компоненталарини дифференциаллаштириш асосида аниқлаштирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари (анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш) “Ўйнашни билмаган – ўйлашни ҳам билмайди” номли коррекцион индивидуал ривожлантирувчи ўйинлар орқали фикрлашга ундаш асосида ривожлантирилган;

педагоглар ҳамда ота-оналарга кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари предметларни, эртақ қаҳрамонларини солиштириш, таҳлил қилиш, умумлаштиришга ўргатиш, теварак атрофдаги ҳодисаларни кузатиш, уларнинг ўхшашлиги, фарқини топишга ўргатиш асосида ривожлантиришнинг психологик имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан олинган хулосалар асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари намоён бўлиши ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи детерминантларнинг ёш, гендер хусусиятлари педагогик- психологик жиҳатдан ўрганилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини коррекция қилишга доир компьютер дастури ва мобил иловаси ишлаб чиқилган ва психологларга фойдаланиш учун тавсия этилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш мақсадида манзилли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аввало, тадқиқотда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги; олинган эмпирик, микдорий кўрсаткичларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги; текширувларнинг бир неча аниқ ҳамда режали босқичларда турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги; хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги; тадқиқот майдони сифатида турли ҳудудлардаги муассасалар танланганлиги; барча оралиқ натижалар илмий анжуманлар фаолияти доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилинганлиги билан таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий иш натижалари тафаккур операциялари ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтиради, тадқиқот натижалари инсон ўз ҳаётида муваффақиятга эришиш учун интилишининг психологик негизини чуқурроқ англаш имконини яхшилайдди, шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўрганилган адабиётлар ва ўтказилган тадқиқот натижаларидан олинган илмий маълумотлар ёш ва педагогик психология, психокоррекция, психологик хизмат, психодиагностика фанларидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин, психодиагностика, экспериментал психология, психологик хизмат, психокоррекция фанларидан намунавий, ишчи дастурлар мазмунига билиш жараёнларини коррекция қилишга бағишланган машғулотлар, психодиагностик методикалар киритилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотдан олинган амалий натижалар, хусусан, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган компьютер дастури ва мобил иловасини умумтаълим мактаблари амалиётига татбиқ этилиши орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг педагогик ва психологик жиҳатдан мукамал ривожланишига ёрдам беради, ушбу дастур “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” III Республика танловида “Фан ва таълим йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма номинацияси”га тақдим этилди ҳамда ғолиб деб топилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккур операцияларини шакллантиришни ўрганишга доир олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда анализ, синтез, умумлаштириш, таққослаш, таснифлаш каби тафаккур операцияларининг намоён бўлишида “Тўртинчиси ортиқча” ҳамда “Объектларнинг ўхшашлиги ва фарқини аниқлаш, сабабини тушунтириш, тушунчаларни таърифлаш” усуллари асосида ёш улғайган сайин ўсиш фарқлари борлиги ҳақидаги таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сон буйруғига асосан “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” модулига киритилган (Тошкент давлат

педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7а - сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” курсини ўқитувчи педагог-психологлар касбий компетентлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган ҳамда ўқувчиларда тафаккур операциялари ривожланиш динамикасига оид илмий-амалий тавсиялар амалиётга тадбиқ этилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар оилавий муносабатлар ҳамда салбий таъсир этувчи (низолашувчанлик, меҳрли муносабатнинг етишмаслиги, хавотирланиш, адоват, номукамаллик комплекси) компоненталарини дифференциаллаштириш асосида аниқлаштирилган таклиф ва тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сон буйруғига асосан “Оила психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7а - сонли маълумотномаси), диагностик методикалар 5110900 - “Педагогика ва психология” бакалаврият таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Психодиагностика ва экспериментал психология” номли қорақалпоқ тилидаги дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сонли буйруғига асосан берилган Гувоҳнома). Ушбу таклиф ва тавсияларнинг қўлланилиши натижасида бўлғуси психолог кадрларнинг услубий-технологик тайёргарлиги такомиллаштирилган;

кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари (анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш) “Ўйнашни билмаган – ўйлашни ҳам билмайди” номли коррекцион индивидуал ривожлантирувчи ўйинлар орқали фикрлашга ундаш асосида ривожлантирилиши ҳақидаги таклифи Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги 7-сон буйруғига асосан “Оила психологияси” модулига киритилган. (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 1 июлдаги П-М-7а - сонли маълумотномаси). Мазкур компьютер дастурининг жорий этилиши натижасида умумтаълим мактаблари психологлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини ривожлантириш бўйича коррекцион-ривожлантирувчи фаолиятига татбиқ этилган (Республика ташхис марказининг 2020 йил 1 июлдаги №5–сонли далолатномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот юзасидан жами 21 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси

ОАК тавсия этган журналларда 10 та илмий мақола (хорижий журналларда 1 та, SCOPUS тизимида 1 та мақола) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, 9 параграф, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Илмий тадқиқотнинг мазмуни 118 бет ҳажмда ёзма матнда баён қилинган бўлиб, унда 9 та жадвал, 2 та расм ва 167 номдаги адабиётлар рўйхати мужассамлашган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, методлар, объект ҳамда предмет аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилиши, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур муаммосини фанда ўрганиш анъаналари”** деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлиliga қаратилган бўлиб, унда Шарқ мутафаккирларининг (Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Жалолиддин Давоний, Абу Ҳомид Ғаззолий ва б.) педагогик-психологик ғоялари айнан тафаккур муаммосига қаратилган фалсафий қарашлари билан бойитилган. Хориж файласуф олимларнинг (Парменид, Протогорас, Эпикур, Аристотель, Гиппократ, Герофил, Кондилак, Декарт, Дидро) тафаккур ва унинг ривожланишига қаратилган фалсафий қарашлари тафаккур психологиясининг эволюцион ривожланиш босқичини очиб беради. Тафаккур муаммосини айнан психологик томондан ўрганган хориж психологлари (Ж.Пиаже, У.Джеймс, К.Бюллер, Э.Боно, Ж.Гильфорд, С.Рубинштейн, Л.Виготский, В.Петухов, А.Леонтьев, П.Гальперин, О.Тихомиров, Н.Жиенбаева, Е.Мельникова, К.Кожажелдиева ва б.) тафаккур операцияларини бошқа психологик жараёнлар билан боғлиқ бўлган ривожланишнинг марказий чизиғи сифатида кўрсатади. Ўзбек психологлари (Э.Ғозиев, В.Каримова, З.Нишанова, Р.Суннатова)нинг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган ва тафаккур операциялари шаклланишига оид маълумотлар тизимлаштирилган.

Шу билан бир қаторда илмий манбаларда тафаккурнинг ёшга, жинсга оид хусусиятлари, унинг ривожланишига таъсир этувчи психологик, педагогик, объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқлик жиҳатлари юзасидан илмий хулосалар шакллантирилган.

Диссертацияни **“Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари шаклланилигининг эмпирик ўрганилиши”** деб номланган иккинчи бобида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятлари, тадқиқот методикаларининг тавсифи, болаларда тафаккур операциялари диагностикаси ва боб бўйича хулосалар берилган. Шу билан

бирга синалувчиларда тафаккур операцияларини намоён қилишга мойиллик даражасини аниқлашга қаратилган психодиагностик методикаларнинг психометрик сифатлари, тафаккур операцияларининг методологик асослари ҳамда унинг индивидуал-психологик хусусиятлари таҳлил қилиб берилган.

Биз тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари намоён бўлишининг ёш фарқларини аниқлашни вазифа сифатида белгилаган эдик, турли тафаккур операциялари бўйича диагностик тадқиқот натижаларини қуйидаги жадвалларда келтирамиз.

1-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда умумлаштириш, классификациялаш операцияларининг намоён бўлиши («Тўртинчиси ортиқча» методикаси бўйича)

2-синф (n=97)	4-синф (n=96)	t	p
20,1	22,5	4,85	0,01

Юқоридаги 1-жадвалда иккинчи синф ўқувчиларининг тафаккур операциялари ўрта арифметик қиймати 20,1 га тенг, тўртинчи синф ўқувчиларида эса тафаккур операциялари ўрта арифметик қиймати 22,5 га тенг ($t=4,85$; $p<0,01$). Иккинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари натижалари ўртасидаги аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди. Бунда аҳамиятли даражадаги тафовут ўқувчиларининг ёш хусусиятлари ва уларга ўтилатган фанларнинг кўпайиши шу билан қаторда ҳар хил нарсаларни таҳлил қила олиш имкониятининг ортишига ёрдам берувчи нутқ бойлигининг ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккур операцияларида таҳлил, синтез операцияларининг динамикасини ўрганиш мақсадида Равен методикаси қўлланилди. Бу тафовутлар қуйида келтирилган 2-жадвалда ўз аксини топган.

2-жадвал

Ўқувчиларда таҳлил, синтез операцияларининг намоён бўлиши («Равен методикаси» бўйича)

2-синф (n=97)	4-синф (n=96)	t	p
22,6	26,2	4,95	0,01

Юқоридаги 2-жадвалда 2-синф ўқувчиларининг тафаккур операциялари ўрта арифметик қиймати 22,6 га тенг. 4-синф ўқувчиларида эса тафаккур операциялари ўрта арифметик қиймати 26,2 га тенг ($t=4,95$; $p<0,01$). Иккинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари натижалари ўртасидаги аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди. Бунда аҳамиятли даражадаги тафовут ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари шу билан бир қаторда ўсиб борадиган қийинчиликларни

енгиш, интеллектининг новербал имкониятларининг ошиши, ўқитиш шакл ва усулларининг ўзгариши, ўқитилаётган фанларда ҳам визуал, мантикий фикрлашга ўргатиш имкониятларининг ортиши билан боғлиқ.

Диссертациянинг “**Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш**” деб номланган учинчи бобида болаларда тафаккур операцияларини шакллантиришга қаратилган психокоррекцион дастурнинг методологик асослари, самарадорлик даражаси таҳлил қилинган.

Шунингдек, тадқиқотда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда оилавий муносабатлар ва тафаккур операциялари орасидаги боғланишни тадқиқ этишни ҳам вазифа сифатида белгиланган эди. Ушбу вазифани амалга ошириш учун Пирсон корреляция коэффициентидан фойдаландик, натижаларни қуйида 3-жадвалда келтирамыз.

3-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари ва оилавий муносабатлар орасидаги боғланиш

№	Жинс	Умумлаштириш, классификациялаш	Таҳлил, синтез операциялари	Таккослаш операцияси	Нуткий фантазия методикаси	«Оила расми» методикаси					
						Қулай оилавий шароит	Хавотирланиш	Оиладаги низо	Оилавий вазиятда номукамаллик туйғуси	Адоват	ЖАМИ
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	1										
2	0,04	1									
3	-0,07	0,66**	1								
4	-0,02	0,80**	0,82**	1							
5	0,04	0,56**	0,64**	0,75**	1						
6	-0,04	0,13	0,17	0,13	0,03	1					
7	0,09	-0,03	-0,18	-0,24*	-0,13	-0,22*	1				
8	0,15	-0,10	-0,26**	-0,12	-0,06	0,006	0,29**	1			
9	0,04	-0,11	-0,04	-0,14	-0,07	-0,64**	0,38**	-0,16	1		
10	0,16	-0,17	-0,18	-0,19	-0,17	-0,76**	0,38**	0,05	0,77**	1	
11	0,17	-0,15	-0,20	-0,23*	-0,17	-0,48**	0,68**	0,36**	0,78**	0,81**	1

Изох: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$.

Юқоридаги 3-жадвалда кўриниб турганидек, 4-синф ўқувчиларида жинс хусусиятлари ва тафаккур операциялари орасида боғланиш аниқланмади. Умумлаштириш, классификациялаш операцияси ва таҳлил, синтез операциялари орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,66$; $p \leq 0,01$).

Бошланғич синф ўқувчиларида таҳлил, синтез, умумлаштириш операциялари қанчалик кучли ривожланган бўлса, уларда кўргазмали образли тафаккур ҳам шунчалик кучли шаклланган бўлади. Ўқувчилар Равен методикаси бўйича қанчалик кўп балл олган бўлсалар, “Тўртинчиси ортиқча” методикасини ҳам шунчалик тўғри ечадилар. Демак, кўргазмали образли тафаккур болаларда қанчалик яхши ривожланган бўлса, уларда таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш операциялари ҳам шунчалик яхши ривожланган бўлади.

Умумлаштириш, классификациялаш ва таққослаш операциялари орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,80$; $p\leq 0,01$). Синалувчиларда таҳлил, синтез, умумлаштириш операцияларининг кучли ривожланганлиги таққослаш операциясининг ҳам меъёردа ривожланишига олиб келади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бир тафаккур операциясининг шаклланиши бошқа тафаккур операцияларининг ҳам ривожланишига олиб келади.

Умумлаштириш, классификациялаш операциялари ва “Нутқий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,56$; $p\leq 0,01$). Болаларда таҳлил, синтез, умумлаштириш операциясининг ривожланиши ва уларнинг нутқ бойлиги орасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Болаларда тафаккур операциялари қанчалик кучли ривожланган бўлса, нутқ ҳам уларда шунчалик кучли шаклланган бўлади. Тафаккур ва нутқнинг боғлиқлиги ҳақида етакчи психологлар ўз фикрларини билдиришган.

Таҳлил, синтез операциялари ва “Нутқий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,64$; $p\leq 0,01$). Синалувчиларда таҳлил, синтез операциялари, кўргазмали образли тафаккур қанчалик кучли ривожланган бўлса, унда нутқ бойлиги ҳам шунчалик кучли ривожланган бўлади.

Таҳлил, синтез операциялари ва оиладаги низо орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,26$; $p\leq 0,01$). Синалувчилар оиласида низо қанчалик кўп бўлса, кўргазмали образли тафаккур, таҳлил, синтез операциялари шунчалик қуйи ривожланади. Демак, оиладаги низолар оила аъзоларининг, фарзандларнинг нафақат кайфиятига, ҳиссий ҳолатига таъсир этибгина қолмай, балки болаларнинг фикрлашига, кўргазмали образли тафаккури, тафаккур операциялари ривожланишига ҳам салбий таъсир этар экан.

Таққослаш операцияси ва “Нутқий фантазия” методикаси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r=0,75$; $p\leq 0,01$). Бошланғич синф ўқувчиларида таққослаш, нима учун шундайлигини тушунтириш қобилияти кучли бўлса, бу фарқларни оғзаки нутқда ифодалай олиш ҳам шунчалик кучли ривожланган бўлади. Дарҳақиқат, яхши фикрлайдиган болаларда нутқ ҳам яхши ривожланган бўлишини ҳаётда кўп кузатганмиз.

Таққослаш операцияси ва хавотирланиш орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,24$; $p\leq 0,05$). Болада хавотирланиш қанчалик кучли бўлса, у объектларнинг ўхшашлиги ва фарқини шунчалик кам топади, предметларни таққослашга қийналади.

Таққослаш операцияси ва “Оила расми” методикаси орасида манфий боғланиш аниқланди ($r= - 0,23$; $p\leq 0,05$). Оиладаги шароит, иқлимнинг ноқулайлиги, таққослаш операциясига салбий таъсир этади. Ота-оналарнинг

доимий низолашиши, фарзандга доим жеркиб гапириши, унга нисбатан меҳрли муносабатда бўлмаслиги боланинг психикасига, унинг ўзини баҳолашига, кайфиятига, фикрлашига, ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

Қулай оилавий шароит ва хавотирланиш орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = -0,22$; $p \leq 0,05$). Оилада қулай оилавий шароитнинг яратилганлиги, болада хавотирланишнинг бўлмаслигига олиб келади. Агар оилада ноқулай оилавий шароит ҳукмрон бўлса, бу бола шунчалик кўп хавотирланади.

Қулай оилавий шароит ва оилавий шароитда номукамаллик туйғуси орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = -0,64$; $p \leq 0,01$). Агар оилада оилавий шароит қанчалик қулай бўлса, фарзандда номукамаллик туйғуси шунчалик кам бўлади. Барча шароитлар яратилган, қулай психологик иқлим мавжуд оилаларда тарбияланаётган фарзандларда номукамаллик туйғуси ҳам қарийб намоён бўлмайди.

Қулай оилавий шароит ва адоват орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = -0,76$; $p \leq 0,01$). Оилада қулай шароит яратилганлиги унинг аъзолари орасида адоватли муносабатнинг шунчалик кам бўлишига олиб келади. Аксинча, ноқулай оилавий шароит, оиладаги етишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик оқибатида ота-она ва фарзандлар орасида адоват ҳам кўп кузатилади.

Қулай оилавий шароит ва “Оила расми” методикаси орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = -0,48$; $p \leq 0,01$). Фарзанд ўсаётган оилада шароит қанчалик қулай бўлса, “Оила расми” методикаси бўйича муаммолар шунчалик кам аниқланади.

Оилавий шароитда номукамаллик туйғуси ва адоват орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,77$; $p \leq 0,01$). Оиладаги шахслараро муносабатда адоват қанчалик кучли бўлса, бундай оилада тарбияланаётган фарзандда номукамаллик комплекси шунчалик кучли бўлади.

Биз тадқиқотларимиз давомида тафаккур операциялари қуйи даражада шаклланган ўқувчиларни экспериментал гуруҳ ва меъёрда тафаккур хусусиятлари шаклланган ўқувчиларни назорат гуруҳи сифатида танлаб олдик.

Тадқиқотимизда белгиланган навбатдаги вазифа кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантирувчи коррекцион дастур яратиш деб белгиланган эди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантириш учун “Ўйнашни билмаган, ўйлашни ҳам билмайди” номли психокоррекцион дастур туздик. Дастур 10 машғулотдан иборат бўлиб, ҳафтасига икки марта бир ярим ой давомида экспериментал гуруҳ синалувчилари билан ўтказилди.

Қуйида биз томонимиздан тузилган коррекцион дастур компонентлари келтирилади:

1. Таҳлилни ривожлантирувчи машғулотлар.
2. Синтезни ривожлантирувчи машғулотлар.
3. Таққослашни ривожлантирувчи машғулотлар.
4. Умумлаштиришни ривожлантирувчи машғулотлар.

5. Классификация операциясини ривожлантириш машғулотлар.
6. Тизимлаштиришни ривожлантирувчи машғулотлар.
7. Кўргазмали образли тафаккурни ривожлантириш.
8. Мантиқий тафаккурни ривожлантирадиган машғулотлар.
9. Ижодий тафаккурни ривожлантирувчи машғулотлар.
10. Дидактик ўйинларда тафаккурни ривожлантириш.

Тадқиқотимизда белгиланган навбатдаги вазифа кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операцияларини шакллантирувчи коррекцион дастурнинг самарадорлигини текширишдан иборат эди.

Бунинг учун биз sinalувчиларда диагностик методикаларимизни назорат тажрибалари сифатида қайта ўтказдик. Биз тузган машғулотлар айнан паст кўрсаткичли экспериментал гуруҳ sinalувчиларига қандай таъсир этганлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги 4-жадвални ҳосил қилдик.

Қуйида келтирилган жадвалда “Тўртинчиси ортиқча” методикаси бўйича экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 15,9 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб 17,6 ни ташкил этган ($t=3,12$; $p \leq 0,05$). Бундан назорат тажрибаларида паст кўрсаткичли sinalувчиларимизда таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш операциялари сезиларли ривожланганлигини кузатиш мумкин.

4-жадвал

Экспериментал гуруҳ sinalувчиларида аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги статистик тафовут (Стьюдент мезони бўйича)

Тафаккур операциялари	Экспериментал гуруҳ (n=30)		
	Аниқловчи тажриба	Назорат тажриба	t
Умумлаштириш, классификациялаш	15,9	17,6	3,12*
Анализ, синтез	17,2	18,9	3,13*
Таққослаш	8,6	10,6	4,58**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$


Юқорида келтирилган жадвалда умумлаштириш, классификациялаш операциялари бўйича экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 15,9 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб 17,6 ни ташкил этган ($t=3,12$; $p \leq 0,05$). Бундан назорат тажрибаларида паст кўрсаткичли sinalувчиларимизда таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш операциялари сезиларли ривожланганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, анализ, синтез операциялари бўйича ҳам экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 17,2 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб 18,9 ни ташкил этган ($t=3,13$; $p\leq 0,05$). Бу эса экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг кўргазмали образли тафаккури, шунингдек, таққослаш, таҳлил, синтез операциялари сезиларли ривожланганлигидан дарак беради.

Таққослаш операцияси бўйича ҳам экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 8,6 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб 10,6 ни ташкил этган ($t=4,58$; $p\leq 0,01$). Бундан назорат тажрибаларида экспериментал гуруҳ sinalувчиларининг таққослаш операцияси намоён бўлишида ҳам сезиларли ўзгариш бўлганлигини пайқаш қийин эмас.

Шундай қилиб, экспериментал гуруҳ sinalувчиларида аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасида аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди. Ушбу натижалар ўтказилган тренинг машғулотларидан сўнг тафаккур операцияларида аҳамиятли даражадаги ижобий натижалар кузатилганини билдиради.

Олинган натижалар ва коррекцион дастурнинг самарадорлигини яққол кўрсатиш мақсадида қуйидаги гистограммани (1-расмга қаранг) ҳосил қилдик.



1-расм. Иккинчи синф экспериментал гуруҳ sinalувчиларида тафаккур операциялари динамикаси.

Юқоридаги расмдаги яққол ўзгаришлар биз томонимиздан тузилган коррекцион дастурнинг самарадорлигини яна бир карра далиллаб турибди.

Шунингдек, 4-синф ўқувчиларида ўтказилган тадқиқот натижаларидаги динамик ўзгаришлар 5-жадвалда акс эттирилди.

Қуйидаги 5-жадвалда кўриниб турганидек, 4-синф ўқувчиларида бўйича умумлаштириш, классификациялаш операциялари бўйича синалувчиларнинг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 22,5 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб, 24,0 ни ташкил этган ($t=-7,36$; $p\leq 0,01$).

5-жадвал

Тўртинчи синф ўқувчиларида аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги статистик тафовут (Стьюдент мезони бўйича)

Тафаккур операциялари	Аниқловчи тажриба	Назорат тажриба	Статистик фарқ кўрсаткичи
Умумлаштириш, классификациялаш	22,5	24	-7,59**
Анализ, синтез	26,2	27,9	-6,89**
Таққослаш	15,4	16,1	-5,05**


Изоҳ: ** $p\leq 0,01$

Бундан назорат тажрибаларида 4-синф ўқувчиларида предметларни таҳлил, синтез, таққослаш, сўнгра уларни умумлаштириш операциялари, кузатувчанлик сезиларли шаклланганлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, анализ, синтез операцияси бўйича ҳам 4-синф синалувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 26,2 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб 27,9 ни ташкил этган ($t=-6,89$; $p\leq 0,01$). Бу эса ўқувчиларнинг кўргазмали образли тафаккури, шунингдек, таққослаш, таҳлил, синтез операциялари, кузатувчанлик, кўриш идроки, диққатнинг барқарорлиги сезиларли ривожланганлигидан дарак беради.

Таққослаш операцияси бўйича ҳам 4-синф ўқувчиларининг натижалари ўрта арифметик қиймати аниқловчи тажрибада 15,4 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич сезиларли ўзгариб, 16,1 ни ташкил этган ($t=-5,05$; $p\leq 0,01$). Бундан назорат тажрибаларида 4-синф ўқувчиларининг таққослаш операцияси намоён бўлишида ҳам сезиларли ўзгариш бўлганлигини пайқаш қийин эмас.

Тўртинчи синф ўқувчилари тафаккур операциялари шаклланишидаги динамик ўзгаришлар ҳақида яққолроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги 2-расмни ҳосил қилдик.



2-расм. Тўртинчи синф ўқувчиларида тафаккур операциялари динамикаси.

Шундай қилиб, 4-синф ўқувчиларида ҳам аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари ўртасидаги аҳамиятли даражадаги тафовут аниқланди. Бу ҳолат ўтказилган тренинг машғулотлари самарали натижа берганидан дарак беради.

ХУЛОСА

Диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккурнинг ривожланиши, айниқса, таққослаш ва умумлаштириш операцияларини шакллантириш сензитив ҳисобланади. Бу даврда тафаккур операцияларининг шаклланиши ёш улғайган сайин ривожланиб борадиган динамик жараён дир.

2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда тафаккур операциялари орасида ўзаро мусбат боғланиш аниқланди, бир тафаккур операциясининг шаклланиши бошқа тафаккур операцияларининг ҳам жадал ривожланишига стимул бўлади.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операциялари намоён бўлишида жинс фарқлари аниқланмади. Тафаккур операциялари ва хавотирланиш, ноқулай оилавий шароит орасида манфий боғланишлар аниқланди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи оиласидаги ноқулай оилавий шароит ҳамда хавотирланиш тафаккур операцияларининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур операцияларини шакллантириш бўйича тузилган коррекцион дастурнинг самаралилиги синалувчиларда аниқловчи ва назорат тажрибалари орасида аҳамиятли статистик фарқ олинганлиги билан далилланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.P.26.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ИМЕНИ АЖИНИЯЗА**

ДЖОЛЫМБЕТОВА МИУАГУЛ МАДИЯРОВНА

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ
МЫСЛИТЕЛЬНЫХ ОПЕРАЦИЙ У МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология.
Психология развития.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Psi71

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте имени Ажинияза.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Нишанова Замира Таскараевна
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Эргашев Пўлат Собирович
доктор психологических наук, доцент


Муллабоева Нозима Махмуджановна
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» января 2021 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 142). (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан «21» января 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 32 от «21» января 2021 года).



Г.Б.Шоумаров
председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, д. психол. наук, профессор

Х.А.Тиллашайхова
учёный секретарь Научного совета по присуждению
учёных степеней, к. психол. наук, доцент

В.М.Каримова
председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению учёных степеней,
д. психол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В образовательных учреждениях мира внедрены в практику модульные технологии выявления у учащихся начальных классов процессов познания, независимого творческого мышления, мыслительных операций. В частности, Международным фондом защиты детей, программой ЮНИСЕФ “Развитие мышления с детства” осуществляются системные работы по выявлению у учащихся начальных классов уровня развитости мыслительных операций, способности креативного подхода к семейным проблемам, определению своего места в организационных вопросах школы и межличностных отношениях.

В образовательных и научных учреждениях мира проводятся научные исследования по вопросам формирования в норме мыслительных операций в начальных классах, усвоения учащимися знаний, совершенствования креативного подхода к социальным проблемам. Обращается особое внимание исследованиям по развитию мышления человека как средства речи, обеспечению психологических аспектов неразрывной связи мышления и речи, а также развитию дивергентного мышления в различных возрастных периодах.

В нашей республике усовершенствована система образования и воспитания молодёжи, созданы нормативные основы для получения учащимися качественного образования, овладения ими необходимыми компетенциями, оценки знаний. “Для нас одним из важных и никогда не теряющих своего значения вопросов является задача воспитания наших детей самостоятельно мыслящими людьми, обладающими современными знаниями и профессией, имеющими твёрдую жизненную позицию, являющимися истинными патриотами”². В связи с этим расширяются возможности выявления влияния гендерных различий и семейной среды на формирование мыслительных операций у учащихся начальных классов.

Данное диссертационное исследование служит в определённой степени реализации, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2018 года №ПП-3907 “О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания”, Законе Республики Узбекистан от 23 сентября 2020 года №ЗРУ-637 “Об образовании”, вместе с тем, по дальнейшему совершенствованию системы психологической и педагогической поддержки учащихся в общеобразовательных, высших и средних специальных государственных

² Мирзиёев Ш. М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. С. 103 (перевод с узбекского языка выполнен диссертантом).

образовательных учреждениях, а также других нормативно-правовых документах, соответствующих данной системе деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического государства и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В научных изысканиях Э.Гозиева, В.Каримовой, З.Нишановой, Р.Суннатовой, Э.Усмановой, Х.Шарафутдиновой исследованы виды и свойства мышления, самостоятельное мышление, динамика самостоятельного творческого мышления, развитие мышления в различных возрастных периодах, индивидуальные психологические особенности мышления.

Л.Выготский, С.Рубинштейн, А.Леонтьев, П.Гальперин, О.Тихомиров, В.Петухов, К.Кожажелдиева, И.Харченова, Н.Молодцова, Э.Ларина исследовали психологические особенности роли ближайшего зоны развития в формировании мышления детей, операций мышления и их логических форм, мышления как деятельности и процесса, поэтапного развития умственных действий, развития умственной деятельности, развития мышления в учебном процессе, развития критического мышления, развития мышления в процессе индивидуального образования, развития визуального мышления на уроках рисования, развития мышления в различных учебных условиях.

Специалисты дальнего зарубежья W.James, J.Piajet, K.Buller, E.Vono, J.Guilford исследовал операции мышления, функции интеллекта и периоды интеллекта, связь мышления и речи, вопросы развитие мышления детей, модель интеллекта и творческое мышление.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами учреждения высшего образования, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта №ПЗ-20170923121на тему «Совершенствование методологических основ исследования национальных особенностей воспитания личности» (2018-2020 гг.) плана научно-исследовательских работ Нукусского государственного педагогического института и Ташкентского государственного педагогического университета.

Целью исследования является выявление психологических особенностей формирования мыслительных операций у учащихся младшего школьного возраста.

Задачи исследования:

анализ педагогических и психологических исследований по развитию мышления у учащихся младшего школьного возраста;

выявление различий проявления мыслительных операций у учащихся младшего школьного возраста по возрасту и полу;

выявление взаимосвязи между семейными отношениями и мыслительными операциями у учащихся младшего школьного возраста; совершенствование коррекционного механизма формирования мыслительных операций у учащихся младшего школьного возраста.

Объект исследования является процесс формирования мыслительных операций у учащихся младшего школьного возраста, изучены учащиеся второго и четвертого классов младшего школьного возраста школы № 100 города Ташкента, школы № 17 Хорезмской области и школы № 11 города Нукуса (всего 193 человека).

Предметом исследования является особенности формирования мыслительных операций у учащихся младшего школьного возраста.

